



## БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН БЕЗОРИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Таджиев Азамат Алибайевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20459093>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEYWORDS

исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, безорилик, бир гуруҳ шахслар, жиноят ишини тергов қилиш, айбланувчи, жамоат жойи.

### ABSTRACT

Мақолада бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безориликка оид жиноят ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади. Унда бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик содир этилганлиги факти юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган жиноий-процессуал ва криминалистик ҳолатларнинг асосий мезонлари, жумладан, иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари хусусияти, ўзаро келишилганлик даражаси ва мотивлари юзасидан Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатлар олимларининг фикрлари таҳлил қилинган. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ролини аниқлашнинг криминалистик жиҳатларига, шунингдек, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган. Аниқланган қонуниятлар ва таклиф этилган ёндашувлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида безориликни тергов қилиш самарадорлигини ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши, энг аввало, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементатсия қилишга хизмат қилади [1].

Бу ижтимоий муносабатларнинг турли жиҳатларига, хусусан, жиноятларни тергов қилиш ҳолатларини исботлаш жараёнида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқлидир. Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш жиноятларни тергов қилишда ҳақиқатни аниқлашда муҳим ўрин тутаяди.

Жиноятларни тергов қилиш жараёни терговчи ёки суриштирувчи учун исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-процессуал

кодексининг 82-моддасида назарда тутилган талабларни бажаришни тақозо этади. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар рўйхати жиноий жазоланадиган қилмишларнинг барча турлари учун умумийдир.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишни, жумладан, безориликни тергов қилиш методикасининг асосий унсурларидан бирини ташкил этади. Хусусий криминалистик методикалар шакллантирилган пайтдан эътиборан бу таркибий қисм атаманинг ўзига, моҳиятига ва ички тузилишига таъсир кўрсатган ҳолда жиддий ўзгаришларга учради.

Илмий адабиётларда бу нуқтаи назар юзасидан турли қарашлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти ва амалий аҳамияти тўғрисида холис тасаввур ҳосил қилиш учун уларни аниқ таҳлил этиш ҳамда қиёслаш талаб қилинади.

Хусусан, Г.А. Абдумажидов бу борада шундай деб таъкидлайди: “аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар – бу исботлаш предмети элементлари ва Жиноят кодексининг тегишли моддалари диспозицияларининг оддий механик бирикмаси эмас. Жиноят процесси ва жиноят ҳуқуқи фанларига оид бўлган ушбу категориялар криминалистикада умумлаштирилади, тўлдирилади ва шу туфайли янги сифат касб этади. Маълумки, жиноятларни тергов қилишда кўпинча ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган ва шу сабабли исботлашни талаб этмайдиган, бироқ тергов натижаларининг муваффақиятли ва самарали бўлиши учун криминалистик жиҳатдан зарур бўлган ҳолатлар ҳам аниқланади. Шубҳасиз, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар тушунчаси ва мазмуни жиноятларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларини тергов қилиш методикасининг умумий қоидаларидаги жуда муҳим элементлар ҳисобланади” [2, 297–298-б.].

М.Х. Рустамбоев ўз навбатида, “безорилик бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини қуйидагича белгилайди: безорилик ҳаракатлари қаерда ва қачон содир этилган; айбдор томонидан қандай аниқ ҳаракатлар содир этилган, уларда безорилик аломатлари мавжудми; безорилик бошқа жиноятларни содир этиш билан бирга кечганми, агар шундай бўлса, айнан қандай жиноятлар; безориликни ким содир этган, у илгари шунга ўхшаш жиноятларни содир этмаганми, бошқа жиноятлар учун судланган бўлмаганми; айбланувчи ва унинг шерикларининг безорилик ҳаракатларини содир этишдаги айби, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари; айбдорнинг безорилик ҳаракатлари жабрланувчининг провокацион хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиқмаганми; безорилик содир этилишига имкон берган ҳолатлар; моддий зарар мавжудми, у кимга етказилган, зарарнинг миқдори қанча, тан жароҳатлари борми, уларнинг оғирлик даражаси қандай” [3, 250-б.].

Ш.Т.Джумановнинг фикрича, “безориликни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради: 1) гумонланувчи томонидан қандай аниқ ҳаракатлар содир этилгани; 2) бу ҳаракатларда безорилик аломатлари мавжудми ва айнан қандай безорилик экани; 3) безорилик ҳаракатлари қаерда ва қачон содир этилгани; 4) безорилик бошқа жиноятларни содир этиш билан бирга кечмаганми, агар шундай бўлса, айнан қандай жиноятлар экани; 5) безорилик ҳаракатларини ким содир этгани; у илгари ҳам шундай ҳаракатларни содир этганми, агар жиноят гуруҳ бўлиб содир этилган бўлса, унинг ҳар бир иштирокчисининг ўрни қандай экани; 6) жабрланувчилар бор-йўқлиги, улар ким экани, безорилик ҳаракатларига ўзлари сабабчи

бўлмаганми; 7) моддий зарар етказилганми, кимга ва қанча миқдорда етказилгани; 8) безорилик содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар қандай экани” [4, 68-б.].

Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилар жиноят процессида исботланиши керак бўлган ҳолатларни кўпинча бир-бирини тўлдирувчи икки асосий жиҳат нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар. Биринчи жиҳат муайян жиноят ишини тергов қилишнинг дастлабки босқичида шаклланадиган зарур ахборотни тўплаш билан боғлиқдир. Бунда ушбу ахборотнинг ҳажми ва сифати терговнинг турли босқичларида сезиларли даражада фарқланади. Одатда, тергов бошида далиллар базаси минимал бўлади, бироқ исботланиши лозим бўлган ҳолатлар аниқлангани ва белгилангани сари ахборот ҳажми аста-секин ортиб боради. Айнан шу ахборотни сифатли таҳлил қилиш ва тизимлаштириш орқали айбдор шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш, қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш ҳамда адолатли процессуал қарор қабул қилиш имконияти яратилади. Қайд этиш жоизки, исботлаш натижалари нафақат айбловни шакллантириш учун асос, балки суд ҳукмини чиқариш учун ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади, бу эса уларнинг жиноят процессининг барча босқичларидаги аҳамиятини кўрсатади.

*Иккинчидан*, исботлаш предмети терговчининг криминалистик аҳамиятга эга ахборотни тўплашга қаратилган ташкилий фаолиятида энг муҳим йўналтирувчи мезон ҳисобланади. Бу жиҳат далилий аҳамиятга молик маълумотларни аниқлаш, қайд этиш ва таҳлил қилиш учун фаолиятни мақсадли режалаштириш, энг мақбул тактик усулларни танлаш ҳамда махсус методларни қўллаш зарурлигини кўрсатади. Бу ҳолат терговчи фаолиятининг тизимли эканини таъкидлайди. Зеро, бу фаолият доирасида далилий ахборотнинг ҳар бир бўлаги иш бўйича кейинги ҳаракатлар учун асос бўлиб, содир этилган жиноятнинг яхлит манзарасини шакллантиради.

Ш.Ж. Иномжоновнинг фикрича, “жиноят-процессуал исботлашда исботланиши керак бўлган ҳолатлар (исботлаш предмети) ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда исботлаш предмети табиат ва жамият қонунлари эмас, балки содир этилган қилмишнинг аниқ фактлари ташкил этади” [5, 34-б.]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, исботлаш предмети терговчи фаолиятини ташкил этишда ҳал қилувчи роль ўйнаб, унга аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни фикран тиклаш имконини беради. Айнан шундай фикрий реконструкция асосида терговчи юзага келадиган тергов вазиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда тергов жараёнини самарали режалаштириш имкониятига эга бўлади. Бу эса терговни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талабларига қатъий риоя этган ҳолда олиб боришга, унинг тўлиқлиги, холислиги, ҳар томонламалиги ва юқори сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, исботлаш предмети муҳим йўналтирувчи вазифани бажариб, криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни олиш учун тактик усуллар, методлар ва воситаларни танлашга кўмаклашади. Бундай ёндашув иш учун аҳамиятли бўлган барча ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради, бу эса мураккаб тергов вазиятларида айниқса муҳимдир. Исботлаш предметига таянган терговчи устуворликларни тўғри белгилаши, куч-ғайратини тақсимлаши ва ишнинг энг муҳим жиҳатларига эътиборини қаратиши мумкин, бу эса процессуал ҳаракатлар самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Процессуал ҳаракатлар, тезкор-қидирув тадбирлари ва бошқа текширув ҳаракатлари нафақат тактик операциялар, балки исботлашни амалга ошириш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Исботлаш предмети ишнинг фактик ҳолатларини ўрганишни йўналтирибгина қолмай, балки ҳуқуққа хилоф қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳам ўзига хос мўлжалга айланади. У терговчига жиноятни тўғри малакалашга, тергов йўналишини белгилашга ва шахсни айбдор деб топиш учун далилларга асосланган исботларни шакллантиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, безориликни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу тизим ўзаро боғлиқ элементларни ўз ичига олади ва улардан бирортасининг истисно этилиши судгача иш юритиш вазифаларини тўлиқ ҳал қилишга имкон бермайди.

Б.А. Ражабов таъкидлаганидек, “исботлашнинг умумий шарти сифатида далилларни тўплаш, ўз мазмунига кўра, тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далил тўплашни англатади” [6, 58-б.].

Д.А. Михалеванинг фикрича, “содир этилган безориликнинг исботланиши зарур бўлган ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш нафақат жиноят ҳуқуқи ва процесси нуқтаи назаридан, балки криминалистика нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга, зеро улар терговнинг якуний мақсадларини ҳамда тергов тахминларининг йўналишларини белгилаб беради” [7, 292–294-б.].

А. Г. Халевчукнинг таъкидлашича, «жиноят ишларини тергов қилишда аниқланиши ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, одатда, жиноят содир этилган вақт ва жойни, безорилик ҳаракатлари ким томонидан содир этилганини ва кимлар иштирокчи бўлганини, шунингдек, айбланувчининг жиноят содир этишдаги айбдорлигини ва бошқаларни ўз ичига олади» [8, 306-б.].

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безориликни тергов қилишда, шунингдек, гуруҳнинг уюшганлик даражасини, етакчиси бор-йўқлигини, ҳар бир иштирокчининг ролини ва уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш зарур. Шу билан бирга, безорилик мотиви жиноятчи илгари таниш бўлган жабрланувчиларга нисбатан ҳам намоён бўлиши мумкин.

К. О. Емельянцева «жиноятнинг мотиви ва мақсади аниқланиши лозим. Айнан шу жиҳатнинг аниқланиши безориликни бошқа ўхшаш жиноят таркибларидан ажратиш имконини беради. Шу муносабат билан у қуйидагиларни тавсия қилади: – безорилик ҳаракатларини содир этиш шароитларини аниқлаш (қилмишлар атрофдагиларга сезиларли бўлганми, кенг жамоатчилик учун очик жойларда содир этилганми). Гарчи жамоатчилик назаридан четда рўй берса-да, айрим шахсларга аён бўлиб қолган безорилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни баҳолаш алоҳида эътиборни талаб қилади» деб қайд этади [9, 173-б.]. Шунга мувофиқ, дастлабки тергов босқичи учун ижтимоий хавfli қилмишнинг мотивини аниқлаш зарур.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безориликка оид жиноят ишларида исботланиши керак бўлган ҳолатлар предметини таҳлил қилишда типик элементларни ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқроқ белгилашга, уларнинг алоҳида унсурлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлашга

ёрдам беради, шунингдек, ортиқча такрорланиш ва мантиқий изчиллик бузилишининг олдини олади. Тергов органлари учун тизимлаштиришнинг бу шакли ўзининг қулайлиги ва амалий жиҳатдан самарадорлиги билан ажралиб туради.

Безориликка бағишланган криминалистик ва жиноят-процессуал адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, исботланиши керак бўлган ҳолатлар предметига оид масалалар кўпинча улар ўртасидаги қонуний алоқадорликни зарур даражада акс эттирмаган ҳолда, шунчаки саволлар рўйхати тарзида ёритилади. Бу эса терговчиларнинг улардан амалиётда фойдаланишини анча қийинлаштиради.

Гуруҳ бўлиб содир этилган безориликка оид ишларда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни жиноятнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олган стандарт ўрганиш схемаси сифатида қараш мумкин. Исботланиши керак бўлган ҳолатлар предметининг таркибида қуйидаги асосий ҳолатлар гуруҳлари ажратиб кўрсатилади: жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганини тасдиқловчи ҳолатлар; айбланувчининг мазкур жиноятни содир этишда айбдорлигини аниқловчи ҳолатлар; ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи ҳолатлар; шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори.

Безориликка оид жиноят ишларини тергов қилиш тажрибаси ҳамда назарий мерос таҳлили исботлаш предмети тизими қуйидаги ҳолатлардан иборат деган хулосага келиш имконини беради:

*Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 1, 2, 3-қисмларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг мавжудлиги* гумонланувчилар томонидан қандай аниқ ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этилганлиги каби саволларга жавоб топиш орқали шаклланади. Шунингдек, бу ҳолатлар жамоат тартибини, яъни ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ қоидалари, диний меъёрлар ва ҳоказоларни кўпол равишда бузиш содир этилган жойни, бу хатти-ҳаракат айнан нимада ифодаланганини, шунингдек, гумонланувчилар безорилик билан бир вақтда бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни ҳам содир этган-этмаганини аниқлаш билан боғлиқдир.

Безориликни тергов қилишда “унинг содир этилган жойи ва вақтини” аниқлаш алоҳида ўрин тутаяди [10]. Бу нафақат жиноятнинг эҳтимолий гувоҳлари доирасини аниқлаш, балки можародан олдин, унинг давомида ва ундан кейин воқеа жойида нималар содир бўлганини тафсилотигача ўрганиш, шунингдек, воқеа жойида гувоҳ сифатида ҳозир бўлган шахслар сонини ва улар воқеалар ривожини қандай кетма-кетликда кузатганини аниқлаш имконини беради. Жамоат тартибининг бузилган-бузилмаганига, бу ҳолат айнан нимада ифодаланганига ҳамда жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қандай намоён бўлганига алоҳида эътибор қаратилади.

Муҳим элементлардан бири гуруҳ бўлиб содир этилган безорилик усулини, шунингдек, шахсларнинг жамоат жойидаги хулқ-атворини ва фаол ҳаракатлари жўшқинлигини аниқлашдир. Юқоридаги таҳлил терговчига уларнинг ҳаракатларига ҳамда жиноятчилар томонидан танланган безорилик содир этиш усулига холис баҳо беришга ёрдам беради.

Кўшимча тарзда безорилар ҳаракатларининг хусусияти жиноят содир этиш усулини танлашга айнан қандай таъсир кўрсатганини аниқлаш зарур: масалан, бу ҳолат иштирокчиларнинг келишилган ҳаракатларида, ролларнинг олдиндан режалаштириб

тақсимланишида ёки жамоат тартибини бузиш миқёсининг кенгайишида намоён бўлганми. Шунингдек, тан жароҳати етказиш, мулкка қасддан шикаст етказиш каби муайян безорилик ҳаракатларини видеога олиш ёхуд аудитория эътиборини жалб қилиш ва атрофдагиларда жазосизлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ўз ҳаракатларини ижтимоий тармоқларда намойиш этиш учун уяли телефондан фойдаланилганми ёки йўқлигини аниқлаш муҳим. Ушбу криминалистик жиҳатлар нафақат ҳодисанинг кетма-кетлиги ва хусусиятини моделлаштириш, балки бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари оқибатида жамоат тартибининг бузилиши даражасини баҳолаш учун ҳам аҳамиятлидир.

Аввало, безорилик ҳаракатларининг содир этилиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда безориликда иштирок этган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчи навбатда, ҳар бир гумонланувчи шахс ҳақида маълумотлар тўплаш муҳим: унинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, фуқаролиги, маълумоти даражаси, ўқиш ёки иш жойи, оилавий аҳволи, шунингдек, у маҳаллий яшовчи ёки келгинди эканлигини аниқлаш зарур. Бу маълумотлар нафақат иштирокчиларни индивидуаллаштириш, балки қилмишнинг содир этилишига олиб келган эҳтимолий сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш учун ҳам аҳамиятлидир.

Гумонланувчиларда алоҳида белгилари бор-йўқлиги ҳам кам аҳамиятга эга эмас: масалан, татуировкалар, чандиқлар, жабрланувчилар уларнинг фаол ҳаракатлари вақтида эътибор берган белгилар. Шунингдек, гумонланувчиларнинг танасида ёки кийимида ўз ҳаракатлари натижасида етказилган бирор шикаст бор-йўқлиги ва бу шикастлар билан содир этилган безорилик ҳолатлари ўртасида қандай боғлиқлик мавжудлиги ҳам аниқланиши лозим.

Алоҳида бир гуруҳ саволлар безорилар томонидан жиноят жойида қолдирилган изларга тааллуқлидир. Бунда биологик келиб чиқишга эга изларга (масалан, қон, соч), уларни аниқлаш ва таҳлил қилишга (жумладан, қон гуруҳи, эҳтимолий ДНК-профиллар), шунингдек, шахсларнинг безорилик ҳаракатларига алоқадорлигини тасдиқлаши мумкин бўлган кийим ёки пойабзал қолдиқлари каби бошқа моддий изларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Жиноят содир этилган вақтда иштирокчиларнинг ташқи кўриниши, эгнидаги кийими ва сонини аниқлаш муҳим вазифадир. Шунингдек, ҳар бир иштирокчининг ўзига хос белгиларини, жумладан, улар ўртасида ролларнинг олдиндан тақсимланганлик даражасини, ўзаро муносабатларининг хусусиятини (жиноятдан олдин, жиноят вақтида ва ундан кейин) таҳлил қилиш ҳамда гуруҳда ташаббускор бўлган-бўлмаганини аниқлаш лозим.

Бундан ташқари, уларнинг хатти-ҳаракатлари қандай воситалар ёрдамида мувофиқлаштирилганини, иштирокчилар видео суратга олиш ёки жонли эфирга узатиш учун мобил телефонлардан фойдаланган-фойдаланмаганини, безорилик ҳаракатлари чоғида ўз шахсини яширишга уринган-уринмаганини (масалан, жанжалкашлар қора кепка кийиб олиб, видеокамера тасвирига тушмаслик учун бошини кўтармаган) аниқлаш керак. Бу маълумотлар жиноятнинг тўлиқ манзарасини тиклаш, ҳар бир айбланувчининг иштироки даражасини белгилаш ва жиноят иши доирасида уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун муҳим аҳамият касб этади.

*Иккинчидан:* Ҳар бир шахснинг айбдорлигини аниқлаш масаласи, айниқса, безорилик ҳолатларида, криминалистик таҳлилнинг энг мураккаб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу муаммо иштирокчилар ҳаракатларининг қасддан содир этилганини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор жиҳатларни синчковлик билан ўрганиш ва ҳар томонлама баҳолаш заруратини тақозо этади. Аввало, безорилик иштирокчиларининг ҳар бири содир этилган қилмишга қандай муносабатда бўлганини аниқлашга эътибор қаратиш лозим. Гумонланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари қасд мавжудлигини кўрсатадими ёки йўқлигини аниқлаш муҳим, бу эса уларнинг ҳаракатларини ҳам объектив, ҳам субъектив белгилар нуқтаи назаридан баҳолашни назарда тутаяди. Хусусан, фош этилаётган шахслар ўз хатти-ҳаракатлари билан жамоат тартибини қўпол равишда бузаётганини ва жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик кўрсатаётганини англаганми ёки йўқлигини аниқлаш зарур.

Ҳар бир субъектнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишдаги ролини аниқлаш исботлашнинг муҳим унсуридир. Фош этилаётган шахснинг ташкилотчи, ижрочи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганини, шунингдек, жиноят содир этиш жараёнида иштирокчилар ўзаро қандай ҳамкорлик қилганини аниқлаш талаб этилади. Жиноятнинг субъектив томонини таҳлил қилиш зарурати алоҳида мураккаблик туғдиради. Бу тергов органлари учун иштирокчилар ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавfli оқибатларини қай даражада англаганини, уларнинг эҳтиёткорлиги ва исталган натижанинг юзага келишини кўзлаганини аниқлашни ўз ичига олади. Бунда ҳар бир иштирокчининг мақсади айнан жамоат тартибини бузишга қаратилганми, шунингдек, улар жиноятни содир этишда қандай мақсадларни кўзлаган ва уларга эриша олганми ёки йўқми, буни аниқлаш лозим. Безорилikka ундаган сабабларнинг шаклланишини таҳлил қилиш, шунингдек, жиноий хулқ-атвор асосида ётган ҳиссий ва мотивацион жиҳатларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, безорилик мотивига қандай ҳис-туйғулар асос бўлганини аниқлаш керак: жамиятга ҳурматсизлик, сурбетлик, ғазаб, ўч олиш, хафагарчилик ва ҳоказо. Ҳар бир иштирокчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар орқали ўзини намоён этиш эҳтиёжини сезганми, деган савол алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу жиҳатларни таҳлил қилиш криминалистик методиканинг замонавий ютуқларини қўллашни талаб этади. Бу нафақат жиноятнинг субъектив томонини қайта тиклаш, балки фош этилаётган шахсларнинг айби ва жиноятдаги иштироки даражасини тасдиқловчи далилларни тўплашга ҳам имкон беради. Моҳиятан, бундай ёндашув безорилikka оид жиноят ишларини кўриб чиқишда қонунийлик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади. Иш ҳолатларини аниқлаш мақсадида безорилик ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳар бири жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган энг кичик ёшга (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисмига мувофиқ — 14 ёш) тўлган-тўлмаганига аниқлик киритиш лозим. Бундан ташқари, гумонланувчилардан бирортаси жиноят содир этиш вақтида ақли норасо бўлган-бўлмаганини, ўз ҳаракатларининг асл моҳияти ва ижтимоий хавfliлигини англаган-англамаганини ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олган-олмаганини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчи томонидан билдирилган ҳақорат ёки қўпол провокацион хатти-ҳаракатлар каби сабабий боғланишни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Қўшимча тарзда, гуруҳ томонидан содир этилган

безориликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш ва унинг иштирокчилари ўртасида олдиндан тил бириктирув бўлган-бўлмаганини аниқлаш муҳимдир.

*Учинчидан*, жиний таъқибнинг даражаси ва хусусиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатлар муҳим аҳамият касб этади. Криминалистик таҳлил доирасида бундай ҳолатлар қуйидаги масалаларни батафсил ўрганиш орқали тадқиқ қилинади: шахснинг яшаш жойидаги ижтимоий портрети, унинг оила ва яқинлари даврасидаги хулқ-атвори. Бундан ташқари, безорининг турмуш тарзини аниқлаш муҳим: унинг кундалик одатлари, бўш вақтини ўтказиш усуллари, даромад манбалари, қизиқишлари ва севимли машғулоти.

Айбланувчи шахсининг индивидуал хусусиятларини, жумладан, унинг психологик тузилишини ўрганиш ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Ушбу вазифа доирасида темперамент (масалан, холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик) каби жиҳатлар ва уларнинг намоён бўлиши (масалан, юқори кўзғалувчанлик, жиззакилик, тажовузкор хатти-ҳаракатларга мойиллик) ўрганилиши лозим. Безорилик содир этилган пайтда қайси характерологик хусусиятлар, масалан, сурбетлик, жаҳл тезлиги, асабийлик устунлик қилганини аниқлаш керак. Шунингдек, атрофдагиларга нисбатан ҳаддан ташқари талабчанликнинг эҳтимолий намоён бўлишини аниқлаш ҳам муҳим бўлиб, бу инжиқлик, шуҳратпарастлик ёки масхарабозликда ифодаланиши мумкин.

*Тўртинчидан*, жиноятнинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаш учун етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш зарур. Бунда безорилик ҳаракатлари натижасида қандай аниқ оқибатлар юзага келганига (масалан, мол-мулкнинг йўқ қилиниши, тан жароҳати етказилиши, оммавий тадбир ёки спорт мусобақасининг барбод бўлиши) оид саволларнинг жавоби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу оқибатлар безорилик ҳаракатларининг бевосита натижаси эканлигини ва етказилган зарар даражасини аниқлаш муҳим.

Муайян шахсларга ёки умуман жамиятга етказилган зарарни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади: зарар қандай хусусиятга эга бўлган (маънавий, жисмоний, мулкӣ), тан жароҳатларининг оғирлик даражаси қандай, уларни даволаш ва реабилитация қилиш учун қанча молиявий харажат кетган. Кўшимча равишда жисмоний зарар учун тўлов миқдори, шикастланган ёки йўқ қилинган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати аниқланади, шунингдек, жабрланувчиларга маънавий-ахлоқий ва жисмоний азоб-уқубатлар етказилганлиги факти белгиланади. Жабрланувчиларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилганми, уларнинг обрўсига зарар етказилганми ва бу қандай даражада бўлганлигига аниқлик киритилиши лозим.

Шундай қилиб, ушбу масалалар комплекс таҳлилни ва криминалистика услубларини қўллашни талаб этади, бу эса содир бўлган ҳодисанинг холис манзарасини шакллантириш, барча сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш ҳамда айбланувчиларнинг айбдорлигини белгилаш учун зарур исбот-далиллар базасини таъминлаш имконини беради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик ҳаракатларининг содир этилишига имкон берган ҳолатларни аниқлаш қуйидаги саволларга жавоб топишдан иборатдир: жамоат тартибини сақлашни ташкил этишда камчиликлар бўлганми, агар бўлса, айнан қандай (масалан, патруль-пост хизмати ва Миллий гвардия нарядларининг нотўғри

жойлаштирилиши); кўчалар, хиёбонлар, парклар ва шу каби жойларда тартибни таъминлаш учун видеокамераларнинг йўқлиги безорилик содир этилишига шароит яратган ҳолат ҳисобланадими; оммавий тадбирларни ташкил этишда камчиликлар мавжуд бўлганми, агар бўлса, айнан қандай; спиртли ичимликлар савдоси қоидалари бузилганми; гувоҳларнинг бефарқлиги ва содир бўлаётган воқеаларга аралашини истамагани, безорилик ҳаракатларига чек қўйишга уринишлар кузатилганми

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони: URL: <https://lex.uz/uz/docs/4872357> (Мурожаат санаси: 21.05.2026)
2. Абдумажидов Ғ.А. Криминалистика. Масъул муҳаррир М.Х. Рустамбоев. Дарслик. – Т.: ТДЮ нашриёти, 2008. – 496 б.
3. Рустамбоев М.Х., Норбоев А. Криминалистика (схемалар): Ўқув қўлланма. – Т.: 2002. – 250 б.
4. Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Дарслик. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 476 б.
5. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим этиш ва улардан фойдаланиш муаммолари / Масъул муҳаррир Ғ.А. Абдумажидов. Монография. – Т.: ТДБИ, 2006. – 179 б.
6. Ражабов Б.А. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида исботлашнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар // Наука муаммолари. 2020. № 4-1 (149). 58–61-б.
7. Михалева, Д. А. Обстоятельства, подлежащие установлению по фактам совершения хулиганства / Д. А. Михалева // Проблемы применения уголовного и уголовно-процессуального законодательства : Сборник материалов международной научно-практической конференции, Симферополь, 19–20 апреля 2018 года. – Симферополь: Общество с ограниченной ответственностью «Издательство Типография «Ариал», 2018. – С. 292-294.
8. Холевчук, А.Г. Криминалистика: методика расследования отдельных видов преступлений: учебное пособие / А.Г. Холевчук. – Новороссийск: Новороссийский институт (филиал) АНО ВО МГЭУ, 2020 – 306 с.
9. Емельянцева К.О. Обстоятельства, подлежащие установлению по делам о хулиганстве // Юридическая наука. Научно-практический журнал. № 2, 2024. С. 171-176.
10. [https://www.norma.uz/proekty\\_npa/chto\\_schitaetsya\\_obshchestvennym\\_mestom](https://www.norma.uz/proekty_npa/chto_schitaetsya_obshchestvennym_mestom) (Мурожаат санаси: 11.04.2026)